



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 16 ноябрь, № 224 (5644)

Жума



Аҳоли фаровонлигини юксалтириш – устувор мақсад

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Йиғилишларда қайд этилганидек, 2013 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг лойиҳаси мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиктисодий барқарорлиқни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Хусусан, бу борадаги ислохотларнинг жадал давом эттирилиши натижасида келгусида ялпи ички маҳсулот 8,5, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6, капитал қўйилмалар ҳажми 9,3 фоизга ўсиши кўзда тутилади.

Шуларга уйғун тарзда бюджет ва солиқ сиёсатида иқтисодиётни янгилашни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайитириш, инвестиция муҳитини яхшилаш асосида макроиктисодий ўсишни таъминлаш ҳамда ижтимоий фаровонлиқни юксалтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Масалан, кейинги йилларда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича корхоналар, кичик бизнес субъектлари ҳамда аҳолига қатор имтиёзлар берилмоқда. Булар, энг аввало, ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, тадбиркорликнинг ривожланиши, сервис ва хизматлар соҳасининг кенгайиши, энг асосийси, аҳоли бандлиги ва даромадлари орттиришга хизмат қилади.

Сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кўрсатилган хизматлар, қурилиш-монтаж ишлари, капитал қўйилмалар ҳажми, шунингдек, инфляция даражасини сақлаб туришни назарда тутувчи 2013 йилги макроиктисодий кўрсаткичлар истиқболлари бўйича марказий иқтисодий ва молиявий идораларнинг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Айни чоғда уларда солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди. Шулардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан ушбу масала юзасидан сайловдаги платформалари, дастурий мақсад ҳамда вазифалари асосида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзоси Қўбилжон Тожматов мамлакатнинг бош молиявий хужжати — 2013 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет лойиҳасида назарда тутилган ислохотлар партиянинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларига муштарак эканлигини билдирди.

Чунки келаятган йилда шу асосда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада камайитириш, солиқ тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетлар даромадлари қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш режалаштирилмоқда, — дейди у.

(Давоми 2-бетда).

Корхоналаримизнинг экспорт салоҳияти

худудлар иқтисодиёти ривожиди ҳам ўз ифодасини топмоқда



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Фаргона вилоятида жорий йилнинг ўтган 9 ойида ташқи савдо айланмаси 783 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 316,5 миллион долларни экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳисобига тўғри келгани эътиборга лойиқдир.

Интилиш

Ваҳолонки, бундан йилгигина аввал бу борадаги кўрсаткич бор-йўғи 1 миллион АҚШ долларидан иборат бўлганини инобатга олсак, ўтказилган ислохотлар мажмури соҳа рақибга учун ҳам кенг имкониятлар яратиб бергани аён бўлади.

Маълумки, мустақилликка эришилган дастлабки йилларда вилоятда, асосан, пахта толаси хорижда сотилган бўлса,

бугунги кунга келиб, толаннинг экспортдаги салмоғи 11,7 фоизга тушиб, тайёр маҳсулотлар улуши 38,5 фоизга етди. Шунингдек, худуддаги саноат корхоналари томонидан 40 дан зиёд давлатга энергия ресурслари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва усунулар етказиб бериш йўли қўйилди. Бу бевосита чет эллик инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлигига ишончи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

— Яқинда Хитойдан тижорат сафаридан қайтдик, — дейди Тошлоқ туманидаги «Стапаст» хусусий корхонаси раҳбари Султонбек Собиров. — Шанхай шаҳридан бўлиб ўтган кўргазмада корхонамиз маҳсулотларини намойиш этиб, ўзaro манфатли шартномалар имзолашга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, ўз фаолиятини тугма ишлаб чиқариш билан бошлаган корхона жамоаси бугунги кунга

келиб, вилоятдаги пластмасса маҳсулотлари тайёрловчи йирик саноат мажмуасига айланди. Ишлаб чиқараётган товарлари тури эса юздан ошиб кетди. Эътиборлиси, уларга қўшни республикалардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда. Пироваиди-да экспорт салмоғи йил сайин ошиб бораётган. Масалан, 2011 йилда 75,8 минг долларлик маҳсулот чет элга сотилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу борадаги кўрсаткич 152,5 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

Фермерлик ҳаракати:

ИЗЧИЛЛИК, ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференциясида алоҳида қайд этилганидек, бугунги кунда фермерларнинг нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки жамият ҳаётидаги фаоллиги ҳам тобора ортмоқда. Дарҳақиқат, Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги Фармонида фермер хўжалиқларини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қишлоқни ободонлаштириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ролинини кучайтириш вазифалари белгилаб берилди. Бундай эътибор қишлоқ мулкдорлари зиммасидаги масъулият ҳиссини янада ошириб, уларни қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланишга ундамоқда.

Кенг имконият ва имтиёзлар катта масъулият юклайди

Мухбирларимиз конференция иштирокчиларидан айрим-айримларнинг мазкур масала бўйича фикр-мулоҳазалари билан қизқичдир.

Умида ЭГАМОВА, Олтинқўл туманидаги «Кўҳна водий гавҳари» фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермерлик ривожига қаратилган бундай юқсак эътибор биз, мулкдорларда дахлдорлик ҳиссасини кучайтирмоқда. Энди бугунги фаолиятимиз билан чегараланиб қолишга ҳаққимиз йўқ. Қишлоқнинг энг фаол қишлоқ сифатида уни янада ободонлаштириш ва ривожлантириш масаласи доимо эътиборимизда бўлиши керак.

Этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, унинг вилоят ва туманлар бўғинлари олдига жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси қўйилгани айни мuddao бўлди. Негаки, бир хил шaroитда кўплаб фермер хўжалиқлари юқори самарадорликка эришаётган бир пайтда унга туташ айрим хўжалиқлар зарар кўриб ишлаётгани ҳам бор гап. Бундай салбий ҳолатга йўл қўймастлик, уларни ҳам илгорлар сафига олиб киришга муносиб ҳиссамизни қўшиш бизнинг бурчимизга айланиши зарур.

Шарифбой РАЖАБОВ, Богот туманидаги «Богот» фермер хўжалиги раҳбари:

— Бугунги замоннинг ўзи фермерлик ҳаракати олдига янги-

янгги вазифаларни қўймоқда. Эндилкида у нафақат хом ашё етиштириш, балки уни қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, шу орқали ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда ташаббусни ўз қўлига олиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

Тараққиётнинг янги уфқлари

Маълумки, бугун кўпчилик эътироф этаётганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жаҳазларида бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар изчил амалга оширилаётгани ўзининг бемисл самарасини бермоқда.

Мушоҳада

Жорий йилда республикамиз бўйича 7,2 миллион тонна бошоқли дон ҳосили ва 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинган, ўтган ўтқиз ой мобайнида эса 5,4 миллион тонна сазавот (2011 йилнинг шу давридаги-га нисбатан 111,1 фоиз кўп), 1,5 миллион тонна картошка (110,7 фоиз), 1 миллион тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари (109 фоиз), 1,4 миллион тонна мева-резаворлар (110,3 фоиз), 0,8 миллион тонна узум (112,1 фоиз) етиштирилгани, шунингдек, гўшт етиштириш ҳажми 7 фоизга, сўт 7,2 фоизга, тухум 14 фоизга ўсгани бунинг ёрқин далилидир.

Кўлга киритилган ана шу утқуқлар замирида

тараққий топган давлатлар тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракатига ўтиш, бу соҳанинг ривожини учун барча ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитларни яратиб бериш, хусусан, фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасида комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилгани, қишлоқ мулкдорларига жамики зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфра-тузилмаси шакллантирилгани мужассам эканига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРХИ

БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2012 йилнинг январь — сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларидаги умумий айланма ҳажми

10,1 фоиз ўсди.

Биржа савдоларида ёнишдан ҳосил бўлган мазут, техник олтингургут, қора металллар прокати, металл рух, рангли металл парчалари, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиш ҳажми сезиларли равишда кўпайиши ана шу юқори ўсиш суръатини таъминлашда муҳим бўлди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан.



Миллатлараро тотувлик

тинчлик ва оқсоишталикнинг мустаҳкам асосидир

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида»ги Декларация қабул қилинган эди. Шундан буён мазкур сана Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаб келинади. Бундан кўнланган асосий мақсад дунё халқларини бағрикенгликка, тинчлик-

даражасини янада юксалтириш йўлидаги эзгу савий-харакатларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилаётган.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлик ҳамда ўзарo ҳамжи-хатлик шароитида яшаб, Ватанимизни янада равақ топтириш йўлида меҳнат

16 ноябрь — Халқарo бағрикенглик куни

ни асраб-авайлашга ва ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришишга қорлашдир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнаомлигида миллатлараро аҳиллик ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳаларда амал бориллаётган кенг қўламли ислохотлар, халқимиз турмуш

(Давоми 2-бетда).

«Янги авлод — 2012»

Ёш авлоднинг иқтидор ва салоҳиятини кашф қилиш, қобилиятли, интилувчан ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фаровон келажакимизни таъминлаш йўлидаги эзгу савий-харакатлар сирасидандир.

Ижодий парвозга қанот

Шу маънода, бугун мамлакатимиз ёшларининг илм-фан, санъат, спорт каби жаҳазларда катта ютқ ҳамда муваффақиятларга эришиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда.

Бир неча йилдирки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббус билан аънавий ўтказиб келинаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали ҳам ана шундай хайрли мақсадга хизмат қилаётган лойиҳалардан биридир. Мазкур ижодий фестивал навқирон авлод вакиллари-нинг истеъдодини кенг билмас-да намойён этиш, милли-ҳамда маънавий дунёқарашини бойитиш, энг муҳими эса, болажонлар қалбида ижодкорлик, яратувчанликка иштиёқ уйғотишда катта аҳамият касб этмоқда.

Кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида ушбу фестивалнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбир «Фонд Форум», Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

— Шуларни инобатга олган ҳолда, 2013 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида фойда солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш соҳасида, кичик корхоналар билан микрофирмалар даромадига солинадиган ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ҳамда бошқа бир қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкаларини сақлаб қолиш тақлиф қилинмоқда. Пировавда иқтисодиётга солиқ юки ўтган йилдагига нисбатан 0,3 фоизга камаяди. Айтиш жоизки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлаётган преференциялар натижасида бугунги кунда

дагига нисбатан кўпайтириш кузлаётгани аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада оширади. — 2013 йил учун бюджет сиёсати концепцияси мамлакатимизда ижтимоий дастурларнинг амалга оширилиши, кўрсатилган ижтимоий хизматларнинг сифатини яхширатиш изчил давом эттиришда катта аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўйи палатадаги фракцияси аъзоси Улугбек Зокиров. — Шунинг учун ҳам у фракциямиз аъзолари томонидан чуқур таҳлил қилинди. Аввало, мазкур лойиҳада бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини мустаҳкамлаш, хусусан, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш дик-

ланганлигининг яна бир тасдиғидир. Ўз навбатида, 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида электротизимиз ҳисобланган интеллектуал мулк эгалари ва улар томонидан яратилаётган интеллектуал жараён натижаларини жорий қилувчи бозор субъектларини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида ўрин берилган. Гап шундаки, мазкур соҳа вакилларининг мол-мулк солиғи солиш объектидан номоддий активлар — патентлар, лицензиялар, ноу-хау, гудвил, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркази ва бошқаларни чиқариб ташлаш тақлиф этилмоқда. — 2013 йилги Ўзбекистон

Аҳоли фаровонлигини юксалтириш — устувор мақсад

уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизга етди. Келгуси йилда улар учун белгилаган амалдаги солиқ ставкаларининг ўзгаришсиз сақлаб қолинаётгани соҳанинг янада жадал сурьатлар билан равнақ топиши, тежалган маблағ ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жихатдан қайта жиҳозлаш учун катта қўлайлик эшигини очади, албатта. Шубҳасиз, бу аҳоли бандлиги ва даромадлари орттишига хизмат қилади.

Фракциямиз йўналишида 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда асосий макрорегистрисидий кўрсаткичлар прогнози кенг ва қўзғалди қўриб чиқилиб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди, — дейди Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг кўйи палатадаги фракцияси аъзоси Мавлуда Нишона. — Унда солиқ юкини янада камайтириш бўйича ҳаётга татбиқ этилиши кутулаётган чора-тадбирлар, жумладан, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг биринчи шкала бўйича энг кам ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтириш назарда тутилаётганини партидошларимиз ҳамда электротизимиз тўлиқ қўллаб-қувватлади. Бойси, бу барча тоифадаги солиқ тўловчилар, айниқса, кам даромад оладиганларга солиқ юкини камайтириш имконини бериб, улар ихтиёрида қўшимча маблағ қолишини таъминлайди. Бундан ташқари, 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 59,2 фоиз маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларини янада чуқурлаштириш, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ўзини-ўзини ва озиқ-овқат харажатларини жорий йил-

Республикасининг Давлат бюджетни лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари атрофида муҳим кам қилинди, — дейди Ўзбекистон Экология ҳаракатининг кўйи палатадаги депутатлар гуруҳи аъзоси Сиддик Абдуқокиев. — Унда Давлат бюджетидан аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, ободонлаштириш ишлари, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда табиати муҳофаза этиш тадбирлари учун ажратилаётган маблағ ҳам йилдан-йилга орттиб бораётгани ва бу Экология ҳаракатининг дастурий мақсадлари ҳамда вазибалари баҳарилишида ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йил якунига қадар атроф-муҳитни химоялашга 52,3 млрд. сўм ажратиш мўлжалланган. 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич 2012 йилдагига нисбатан 1,4 баробардан зиёдга етказилиши назарда тутилмоқда. Мос равишда соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам келгуси йилда 1,27 бараварга ортади. Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эса Давлат бюджетидан 2013 йилда 227,5 млрд. сўм йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Кенг имконият ва имтиёзлар катта масъулият юклайди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Мирзакул БЎТАЕВ, Дўстлик туманидаги “Эшнӣёз” фермер хўжалиги раҳбари:
— Кенгашнинг ташкил этилган бизнесинг изланишларимизга қанот бағишлады. Унинг таъсис конференциясида янги тузилма олдига қўйилаётган вазибалар билан яқиндан танишиб, уставини бир овоздан тасдиқладик. Чунки давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган фермерлик ҳаракатидаги ислохотларнинг янги босқичи замирида, энг аввало, биз, кишлоқ мулкдорларининг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари ётибди. Бунга анжуманга ташриф бурган 350 га яқин фермерларнинг барчаси катта қувонч билан тилга олишмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

“Шартномани бажарсам бас” қабилида иш юритадиган вақт ўтиб кетди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, туманимизда парваришланадиган кишлоқ хўжалиги экинлари навини танлаш, янги технологияларни жорий этиш масалаларида фаол қатнашимиз зарур. Ана шунда олдимиизга қўйилган эзгу мақсадларга тезроқ эришамиз.

миз ривожига йўналтирилаяпти. Конференцияда қатнашиб, нафақат янги маълумотларга эга бўлдик, балки биз учун пойтахтимиз бўйлаб уюштирилган саёҳат ҳам катта таассурот қолдирди. Айниқса, “Маърифат маркази”ни қизиқиш билан томоша қилдик. Унинг энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани, жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхонаси, умуман, тенгдошларини учун яратилган барча шарт-шароит ҳайратимизини оширди.

Феруза ЖЎРАЕВА, Бёёвт туманидаги “Шабнам Нурли замин” фермер хўжалиги раҳбари:
— Мен мамлакатимиздаги энг ёш фермерлардан бириман. Президентимизнинг кишлоқ хўжалиги соҳасига қаратаётган орттиб бораётгани ва бу Экология ҳаракатининг дастурий мақсадлари ҳамда вазибалари баҳарилишида ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йил якунига қадар атроф-муҳитни химоялашга 52,3 млрд. сўм ажратиш мўлжалланган. 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич 2012 йилдагига нисбатан 1,4 баробардан зиёдга етказилиши назарда тутилмоқда. Мос равишда соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам келгуси йилда 1,27 бараварга ортади. Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эса Давлат бюджетидан 2013 йилда 227,5 млрд. сўм йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Қахрамон ДАДАМИРЗАЕВ, Данғара туманидаги “Ёқубжон Дадамурза” фермер хўжалиги раҳбари:
— Истиклол йилларида мамлакатимиз аграр тармоғида изчил амалга оширилаётган ислохотлар биз, фермерларнинг имкониятларини том маънода кенгайтирмоқда. Янги ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши эса фаолиятимизда янги босқич бошланганидан далolat беради. Чунки ушбу тузилма фермерлик

ҳаракати самарадорлигини янада ошириш, кишлоқ мулкдорларини замон талабларига мос иш юритиш ва мавжуд муаммоларини ҳал этиш сингари муҳим вазибаларни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, кенгаш таркибига тажрибали ва тадбиркор фермерларнинг қиритилгани ҳам диққатга сазовордир.

Абдукарим КАРИМОВ, Сариссий туманидаги “Нурали” фермер хўжалиги раҳбари:
— Очигини айтиш керак, бир неча йилдирки, биз кишлоқ меҳнатқиларига яратилаётган қўлай шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб келяпмиз. Фермер сифатида мени ниҳоятда қувонтирган жиҳат шундаки, кейинги йилларда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган эътибор тобора кучаймоқда. Айнан ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар туғайли юқори ҳосил олишга эришмаяпти. Қолаверса, Юртобимиз хар сафар кишлоқ аҳли билан учрашганларида кишлоқ хўжалиги

Олим ИСАЕВ, Наманган туманидаги “Барак” фермер хўжалиги раҳбари:

— Конференцияда иштирок этиб, битта нарсага амин бўлдим. Янги тузилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши кишлоқ мулкдорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи ташкилот бўлади. Чунки шахсан Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур кенгаш фермернинг қандай муаммоси бўлишидан қатъи назар, унинг манфаатини қўллаб-қувватловчи қўлай шарт-шароит яратди. Ер ажратилган тортиб, ўғит олишгача бўлади, хўсалини йиғишгача бўлади — буларнинг барчаси кенгаш назоратида амалга оширилади. Фермер эса хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки давлат органлари билан муносабатда унинг қўмағига таянади.

Қисқача айтганда, бундан буён фермер ўз фаолияти давомида кенгашнинг ёрдами доимо ҳис этиб туради. Бу кишлоқ меҳнатқиларининг ишга бўлган муносабатини янада яхшилаб, келажакда бўлган ишончини оширади, албатта.

“Халқ сўзи” мухбирлари Саид РАҲМОНОВ, Дилшоҳ УЛУҒМУРDOV эъиб олди.

Миллатлараро тотувлик

Тинчлик ва осовишталликнинг мустаҳкам асосидир

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Барча миллат вакиллари билан бирликда бошқаруви, ижтимоий ва иқтисодий ҳама маданий жараёнларда эркин иштирок этиши кафолатланди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларимизда таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани, кўп сонли миллатлар тилида газета-журналлар чоп этилаётгани, радио ва теледastурлар эфирга узатилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Хозирги кунда мамлакатимизда 140 дан зиёд миллий маданий марказлар фаолият юриаяпти. Президентимиз ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йил январьда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. У жамиятимиздаги тинчлик ва осовишталлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни раванқ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ташкил этилаётган кўплаб тадбирлар, концерт дастурлари, кечалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар шулар жумласидандир. Масалан, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” каби шииорлар остидаги фестиваллар кўп миллатли аҳолиимизнинг чинакам дўстлик байрамига айлана улгурган, десак, муболага қилмаган бўлаамиз. Ҳар йили миллий айёмла-

рианизм ҳам марказимиз бошчилигида миллий маданий марказлар билан биргаликда муносиб нишонланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган санага бағишлаб ҳамда Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан илмий-амалий конференциялар, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Булар сирасига миллий маданият қўнлари, декадалари, миллий байрамларни ҳам қиритиш мумкин. Утган давр мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан миллий маданиятлар, фуқаролик бирлигининг назарий ва амалий асослари, миллатлараро ва конфессиялараро уйғунлашув ҳақида йиғирмадан орттиқ адабийлар нарш этилди. Айниқса, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Миллий ғоя — бизнинг ғоя”, “Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик — тараққиёт омилри”, “Ўзбекистон — бағрикенг диёр”, “Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажакимиз кафолати” каби китоблар кенг омма эътиборини ўзига тортди. Марказимизнинг 20 йилги муносабати билан чоп этилган “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини” номли китоб ҳам катта қизиқиш билан қутуб олинди. Жойларда анъанавий тарзда “Миллий ғоя — бизнинг ғоя”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” каби шииорлар остидаги фестиваллар кўп миллатли аҳолиимизнинг чинакам дўстлик байрамига айлана улгурган, десак, муболага қилмаган бўлаамиз. Ҳар йили миллий айёмла-

риламал бўлаёттир. Масалан, ушбу ҳужжат асосида вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган махсус комиссия томонидан 163 та корхонанинг янги турдаги махсулотларини чет элга чиқариш

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Корхоналаримизнинг экспорт салоҳияти ҳудудлар иқтисодиёти ривожига ҳам ўз ифодасини топмоқда
Кўпонарли жиҳати, хозирги кунда вилоятда “Сталпаст” сингари экспортбоқ махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонни 100 таддан ортиб кетди. Уларнинг 78 таси қўша, 24 таси эса тўлиқ хориж сармояси иштирокдаги корхоналардир. Улар томонидан вилоятдаги жами санаот махсулотларининг 20 фоизи тайёрланапти. Экспортга улуши эса 30 фоиздан ошади.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришчи кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳани янада тарққий эттиришида муҳим дастурий

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Мухтасар айтганда, Фарғона вилоятида босқимчи-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси қўлай ва жозибадор инвестиция муҳити яратилгани, пировавда худуднинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганида яққол кўзга ташланади.

Набижон СОБИРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Чиндан ҳам, фермерлик ҳаракати нафақат кишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодиётимизнинг жадал тараққий этишига, мамлакатимизда эришилган муваффақиётларга, халқимиз турмуш даражаси ошишига беҳиёс ҳисса қўшмоқда. Айниқса, хозирги кунда бу ҳаракат кишлоқда яшаётган одамларни, Ўзбекистон шароитида 50 фоизга яқин аҳолини ишга жалб этиб, юқори даромад олишга қўмаклашаётгани, энг муҳими, санотиимизни хом ашё, халқимизни эса озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашда етакчи ўринни эгаллаб келаётгани диққатга сазовордир.

Бироқ хозирги замоннинг ўзи фермер хўжаликларини янада тақомиллаштириш ва бу субъектларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ҳамда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, кишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришни тақозо этаётгани инобатга олинса, ҳали соҳада қилиниши лозим бўлган дашару кўпчилиги аён бўлади.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбари шу йил 15 июни кунни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимиз олдига турган улкан вазибаларни эволат этиш, кишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири, бу — фермер хўжаликларини самарадорлигини ошириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш билан бевосята болғиқдир. Нега деганда, фермерлик соҳасида биз хозиргача 10-15 йиллик тажриба-

да турган вазибаларни тезкорлик билан ечишга султ таъсир ўтказаятгани эътироф этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси конференциясининг уни белгиланган тартибда туғатиш тўғрисидаги қарорига, шунингдек, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашларини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусига ро-

жилоси” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қахрамони Содикжон Турдиев саяланди. Хўш, янги тузилма — Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг энг муҳим вазибалари ҳамда фаолият йўналишлари нималардан иборат? Булар Президентимиз Фармонида аниқ белгилаб берилган. Хусусан, улар фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг моддий ва молиявий ба-

молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, махсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шакллариини ташкил этиш ва кенгайтиришга ёрдам берадилар.

Айни чоғда кенгаш ва унинг қўйи бўғинларига бир қатор ҳуқуқлар, имтиёзлар ва преференциялар берилгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ўрнатилган янги тартибга қўра, фермер хўжалиқларига ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиялари таркибига тегишли туман фермер кенгашларининг раислари қиритилиши, фермерларнинг тегишли кенгашлари эса фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти масалаларига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа қарорлар лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқишда фаол қатнашиши янги юриштида муҳим аҳамият касб этади.

Кўриниб турибдики, янги бошқаруви тизимини ёруғ истиқбол, кенг қўлаш ва камровли ишлар кутмоқда. Конференцияда қайд этилганидек, бу, албатта, ушбу тузилманинг фаолияти фермер хўжаликларини янада тақомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда, ҳуқуқ ва манфаатларини кенгайтиришда, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланишда, кишлоқни жадал ривожлантиришда, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлашда фермерларнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилишидан далolat беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида сидқиқидан меҳнат қилиб, бундан рағбат, физизу баракат топмоқдалар. Зеро, бағрикенглик тинчликнинг бош мезони бўлса, тинчлик тараққиёт марумида.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Республика байналмилал маданият маркази раҳбари.

Тараққиётнинг янги уфқлари

фермерлар кенгашларини тузиш ҳақидаги ғояни илгари сурган эди. Президентимиз томонидан 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу ғояни рўёбга чиқаришда ҳақиқий амалий кадам бўлди, десак, асло янглишмаймиз. Чунки бу ҳужжатнинг мақсади ва мазмун-моҳияти билан танишган киши унинг бир неча жиҳатдан аҳамиятга моликлигини тушуниб олиши қийин эмас. Аввало, унда мустақиллик йилларида кишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари қайд этилиши билан бирга, хозир амалда бўлган фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими, хусусан, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бу уюшманинг худудий тузилмаларини фаолият соҳа ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш ва унинг махсулдорлигини ошириш жараёнидаги, фермерлик олди-

зилик билдирилди, ушбу кенгашларнинг вазибалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Иккинчидан, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижро этувчи аппаратининг тузилмаси ҳамда худудий ва туман фермерлар кенгашлари қотибятларининг замонавий тузилмалари маъқуланган. Қолаверса, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган фермерликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Жорий йилнинг 14 ноябрь кунни Тошкент шаҳрида, “Туркистон” саройида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фермерлари кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги тақлиф қарий 350 нафар иштирокчи — фермерлар томонидан бир овоздан маъқуллашди, унинг аъзоларини сайлаш ва устави тасдиқланди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси этиб Асака туманидаги “Асака

за сини мустаҳкамлаш, мулкий муносабатлари ишончли химоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқадилар. Фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қўнийлик манфаатларини химоя қилиш, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда ишлар кўриб чиқилаётганида; фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер майдонларини узок мудатли ижарага беришда ошқоралик, очкилик ва қўнийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга оширадилар. Шу билан бирга, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, суени тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда, томчилатиб сугорилишнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишда қўмаклашадилар. Бундан ташқари, ҳуқуқий, иқтисодий,

Жаҳон чемпионати — 2014

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ўтказилаётган саралаш мусобақаси доирасида Эрон вакилларига қарши баҳс олиб бориб, муҳим ғалабани қўлга киритди. Техрон шаҳридаги 100 минг томошабинга мўлжалланган стадионда кечган ўйинда ҳужумчимиз Улугбек Бақоев томонидан киритилган ягона гол учрашув тақдирини ҳал қилди...

Мундиаль сари дадил қадам

Жорий йил ўзбек футболчи учун муваффақиятларга бой ўтмоқда. Хусусан, яқинда ноғирон-ампутантлар ўртасидаги мундиаль ҳамюртларимиз кетма-кет учинчи бор жаҳон чемпиони, деган унвонга сазовор бўлишди. Кейин Эронда ташкил этилган ўсмирлар (U16) ўртасидаги Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари бош совринни, шунингдек, келаси йили Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди. Бундай ғалабани ўзбекистон ёшлар (U19) терма жамоаси томонидан ҳам давом эттирилди. Иродали ўйин қўрсатган ёшларимиз БАА яшил майдонларида ўтказилган кўта биринчилигида ярим финалга қадам етиб бордилар ва 2013 йилги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

14 ноябрь кунги ўйинга ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик қилинди. Боз устига, рақиб терма жамоа анча тажрибали ҳисобланарди. Масалан, бунга



Гап шундаки, ярим ҳимоячиларимиз Одил Ҳамедов ва Темур Қападеж ҳароҳати тўғрисида Техронга боролмади. Жасур Ҳасанов ва Анзур Исмомов эса аввалги ўйинларда олган сарик қароқчалари тўғрисида мазкур ўйинни ўтказиб юборишга мажбур эдилар. Шундай бўлса-да, бош мураббий Миржалол Қосимов таркибга энг мохир футболчиларни жамлади. Бу ўйин давомида кўзга яққол ташланиб турди. Яъни ҳимоядаги ҳушёрлик, совокдорлик ва тўпни кўпроқ назорат қилиб

турини яъни ўзлаштирган ҳамюртларимиз бу хатти-ҳаракатлари билан рақибдан устун эканликларини намойиш этдилар. Табиийки, майдонда тўпсиз қолган эронлик футболчилар асабийлаша бошладилар ва жуда кўп вақтларда қишлоқда бўлиб қолган бўлиб қолди. Терма жамоамиз аста-секинлик билан

ча футболчиларимиз Эрон вакилларига қарши тўрт марта майдонда тўп суришган бўлса, унинг бирортасида ҳам ғалаба қозона олмаганда. Саралаш босқичининг биринчи турида Тошкентда кечган ўзаро баҳсда ҳам 0:1 ҳисобида меҳмонларнинг қўли банд қолганди. Лекин ўша учрашувда гарчи устунлик юртдошларимиз томонидан бўлган эса-да, ўйинни бошқарган ҳакам рақиб дарвозасига киритилган иккита голни инobatта олмаганди. Натижанда ғалабани Эрон терма жамоаси олиб кетганди. Техронда бўлган беллашувда ҳам худди шундай ҳолат такрорланди: бу сафар ҳам мезбонлар томонидан киритилган иккита тўп инobatта олинмади. Чунки бу вақтларда тўп ўйиндан ташқари ҳолатда тўп ўйиндан ташқари ҳолатда дарвоза тўрғига бориб тушганди.

— Терма жамоамизга ҳужумларни яқунлаш қобилияти етишмади, — дейди Эрон терма жамоаси бош мураббийи ёрдамчиси, португалиялик мутахассис Антонио Симоэш. — Биз энди очко йўқотмаслигимиз керак. Чунки тақдиримиз рақибларимизга, уларнинг ўзаро ўйинларида қайд этиладиган натижаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда...

Ушбу турдан сўнг терма жамоамиз иштирок этаётган кўйидаги вазият кўйидаги кўриниш олди:

Table with 7 columns: Country, U, Y, D, M, T-N, O. Rows include Uzbekistan, North Korea, Iran, Qatar, and Lebanon.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси мукаммал таркиб билан майдонга чиқа олмади.

Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз навбатдаги учрашувни 2013 йилнинг 26 март куни Тошкентда Ливан терма жамоасига қарши ўтказди. Шундан сўнг 11 июнь санасида сафарда Жанубий Корея терма баҳс олиб борадиган футболчиларимиз 18 июнь куни пойтахтимизда Қатар терма жамоасини қабул қилди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Ижодий парвозга қанот

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бу йилги ижодий фестивалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 30 мингдан зиёд ўғил-қизлар қатнашаётди. Ёш иқтидор эгалари мумтоз ва миллий мусиқа, қўшиқ, ракс, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишларида ўзаро беллашишмоқда. Барча ҳудудларда қарийб бир ой давом этган саралаш босқичи тадбирларида мамлакатимизнинг чекка-чекка туманларидаги 615 нафар иқтидорли болалар кашф этилди. Энди улар фестивалнинг яқини танловида иштирок этишади.

ҳаяжонланганим учун кларнетда куй қилишда бир-иккита хатога йўл қўйганман. Бу йилги илк саралаш танлови эса мактабимизнинг концерт залига ўтказилди. Ўзимни худди амалий машғулотада иштирок этаётгандай ҳис қилиб, «Рақс — 3» «Мелодия»сини ижро этдим.

Учтепа туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби қошида яқиндагина ташкил этилган «Бой чечак» хор ансамбли «Янги авлод» ижодий лойиҳасида биринчи марта таба қатнашмоқда. Тажрибали мураббий Мансур Султонов бадиий раҳбарлик қилаётган ушбу янги жамоа 30 нафарга яқин ёш мусиқа илосмандларини жамлаган.

— Фестивалда ўтган йили ҳам қатнашган эдим, — дейди пойтахтимиздаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Асадбек Мақсадов. — Катта саҳнада жудаям

— Бизнинг репертуаримизда «Қорасоч», «Мангу баҳорим», «Урмон бугуси», «Оқ булутлар» каби замонавий куй-қўшиқлар бор, —

Фестивалнинг Тошкент шаҳар саралаш босқичи беллашувлари икки кун давом этди. Ижодий лойиҳанинг яқини босқичи голибларини тақдирлаш маросими эса 28 ноябрь куни «Истиклол» санъат саройида бўлиб ўтди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Advertisement for 'Yagona Byurtmachi' engineering company. Includes a table of construction projects with columns for object name, estimated cost, and completion date.

Advertisement for 'GM Uzbekistan' car dealership. Promotes 'XUMO-AVTO-SAVDO' MCHJ and lists various car models like SPARK, COBALT, LACETTI, etc.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic Ministry of Culture and Sports' conservatory. Lists various instruments and teachers.

Advertisement for 'KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ. Offers real estate services in the Jizzakh region.

Advertisement for 'KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ. Offers real estate services in the Navoiy region.

Advertisement for 'KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ. Offers real estate services in the Navoiy region.

Advertisement for 'KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ. Offers real estate services in the Navoiy region.

Large advertisement for 'TOHKENT TRUBA ZAVODI' KK. Promotes pipe manufacturing and lists various pipe sizes and types.



Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси.

Яшилликдан олам яшнайди

Наманганнинг сўлим ва соҳоватли боғлари, яшиллик-ка бурканган ўрмонлари бу заминга ўзгача тароват бағишлаган. Вилоят ўрмонзорларининг умумий майдони 17729 гектар бўлиб, шундан 1367 гектари "Наманган" давлат ўрмон хўжалигига қарашли.

— Мамлакатимизда янги ўрмонлар барпо этиш, мавжудларини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди мазкур хўжалик раҳбари Алишер Мирзаев. — Чунки ўрмонлар нафақат қурилишбон материаллар манбаи, балки сел, кўчки каби табиий офатларнинг олдини олувчи яшил қалқондир. Шундан келиб чиқиб, кейинги пайтларда 200 гектардан ортик майдонда теракзор барпо қилдик.

Хўжаликнинг Учқўрғон туманидаги "Теракзор" бўлими манзарали ва мевали даракларнинг ноёб турларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бу ерда арча, Қрим қарағайи, ипак акация, япон софораси, каштан, чиройли каталпа сингари манзарали, ёнғоқ, тут ва бошқа мевали дарак кўчатлари етиштирилиб, уларнинг бир қисми аҳолига етказиб берилаяпти. Айниқса, жорий йил баҳори ўрмон хўжалиги жамоаси учун баракали бўлди. Гап шундаки, янги барпо этилган 16 та ўрмонзорда ўтказилган 4,5 миллион тундан ортик мевали ва манзарали дарак кўчатларининг асосий қисми мазкур бўлимда етиштирилган.

— Ўрмончилик сердаромад тармоқлардан ҳисобланади, — дейди бош ўрмончи Ҳамидулло Узоқов. — Хусусан, кўчат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан олинаётган фойдадан хўжаликни ривожлан-

Ў Р М О Н Ч И Л И К

тириш, ишчи-ҳодимларнинг ихтимойи муҳофазасини кучайтиришда кўшимча манба сифатида фойдаланаяпти. Шунинг учун мавжуд имкониятларни ишга солиб, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш пайванд бўлинаяпти. Масалан, Янгиқўрғон туманида жойлашган бўлимимиздаги боғ ва ёнғоқзорлардан йилга 100 тоннадан зиёд мева, 5 тоннага яқин ёнғоқ йилгиб олинади. Бундан ташқари, хўжалигимиз бўйича 5 тоннадан кўпроқ наъматак доривор ўсимлиги меvasи тайёрланади. Ўтган йили ушбу манбалар ҳисобиغا 371,9 миллион сўм миқдорда даромад олдик. Жорий йилда ёрдамчи тармоқлар қаторига яна бир соҳа — асарларчилик қўшилди. Айни пайтда 300 қути асалари оиласи парвариланаётган бўлиб, йил охирига қадар 7 тоннадан ортик шифобахш неъмат олишни мўлжаллаб турибмиз.

Бугун наманганлик ўрмончилар меҳнати нафақат ўрмонлари яшатиш, балки шаҳар ва қишлоқлар биотизимини ривожлантиришда ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Айниқса, вилоят марказини ободлантириш ва кўчаларни озроқлаштириш юмушларида уларнинг хиссаси катта бўлди. Хўжалик томонидан ажратилган манзарали дарак кўчатлари шаҳар кўча ва хиёбонларига яшиллик бағишлаш билан бирга, иқлим муътадиллигини таъминлаб, кўнгилларга ором бермоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бойсундаги мўъжиза



Ажойибот

Йўлнинг тепалик қисми бошланган жойдан 70-80 метр баландликка улов ҳайдовчиси, мотори ўчирилган ҳолатда бўлишига қарамай, юқорига ўзи юриб чиқади. Сўнг белгиланган масофага етгач, ҳаракатдан тўхтайдди. Шунда энди машина ортага, яъни пастликка қараб юриб кетса керак, деб ўйлаб қоласиз. Аммо у тўхтаган жойидан бир қарич ҳам жилмайди.


— Бу табиатнинг ўзаро тортишиш қонунига зид ҳодиса, — дейди ҳамроҳимиз, тумандаги 6-мактаб директори Баҳром Холтурраев. — Шу кўча қаршидаги тоғ ёнбағрида охиррабо бўлиши ҳам мумкин, у ҳосил қилаётган магнит майдони тубайли транспортлар масофада тепалик сари эркин ҳаракатланади, деган фазалар ҳам бор. Бирок фанда маълумки, ҳосил бўлган магнит майдони фақат металл жисмларини торттиш кучига эга. Биз шу нуктада, ҳатто чармдан тикилган футбол тўпидан ҳам фойдаланиб кўрдик. У ҳам пастликка эмас, аксинча, тепаликка қараб секин думалай бошлади. Худди шу ҳолат йўлда тўкилган сувнинг юқорига қараб ёйилганида ҳам намоеён бўлди.

Айни пайтда ушбу манзил гаройиботларга қизиқувчилар билан гавжум. Ҳатто айрим хорижий телеканалларда бу ҳақда махсус лавҳалар намойиш этилган, бойсунга келувчи сайёҳлар сафи янада кенгайди.

Маълумотларга кўра, худди шундай ҳудудлар Жанубий Корея, Молдова, Исроил ва Хитойда ҳам бор.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бойсун туманидаги Хўжа Кўчор ота зияратгоҳидан ўтиб, Қайроқ қишлоғи томон бурилсангиз, табиат мўъжизасига гувоҳ бўласиз. Айнан шу нуктадан бошланиб, тобора баландликка кўтарилиб борувчи йўлнинг исталган қисмида машинангизни ўчириб, эркин холатга қўйинг. Шу онда мўъжиза оқи беради.



«Қизил китоб» саҳифаларидан

Ўзбекистонимиз табиати хилма-хиллиги боис унинг ҳайвонот олами ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Чунки чўл ва сарҳоллардан иборат кенг текисликлар, тоғ даштлар, ўрмон ҳамда яйловлар, тўқайзор ва сув ҳавзалари — буларнинг барчаси жониворларнинг табиий кўпайиши учун жуда қулайдир.

Тоғ қоплони

Масалан, илвирс тоғу тошларни ўзига маҳон тутган. Денгиз сатҳидан 2500-4500 метр баландликдаги қояларда яшайди. Шунинг учун уни «тоғ қоплони» деб аташди.

Илвирслар, одатда, тунда фаол бўлиб, кундузи қорликлар ва қоялар орасида беркиниб ётади. Ёввойи тўқликлар, баъзан кемириворлар билан озиқланади. Емиш ахтариб, ўтхўр жониворлар ортидан мавсумий кўчиб юради. Хар икки йилда бир марта болалаб, 21 йилгача яшайди. Бирок бугунги кунга келиб уларнинг сони тобора камайиб, йўқ бўлиб кетishi хавфи остида турибди. 1970—1980 йилларда "Чотқол" қўриқонасида 1-3 таси, 1990 йилда эса "Хисор" қўриқонасида ўн биттаси ҳисобга олинган ана шундан далолат беради. Умуман, бугунги кунда тоғ қоплонларининг жами сони 30—50 бош атрофида дея тахмин қилинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, баланд тоғ яйловларининг ўзлаштирилиши, озунка манбаларнинг камайиши, энг ёмон, браконьерликнинг авж олиши бунга сабаб бўлаётмир.

Мамлакатимизда ушбу ноёб турни сақлаб қолиш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. У Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» киритилган бўлиб, овлаш қатъий ман қилинган. Илвирсларнинг кўпайиш ҳудудлари доимий назоратга олинган, айниқса, диққатга сазовордир.



Юртимиз табиати ўзига хос ва жозибадор. Ҳатто, кимсасиз кумликлар баргида ҳам наботот оламининг ажойиботларига дуч келасиз. Шофиркон туманидаги "Вардонзе" табиат ёдгорлиги фикримиз далилидир. Умумий майдони 320 гектар бўлган бу ҳудудда қадимий шаҳар қолдиқлари, жумладан, кўрғон сақланиб қолган. Лекин бу гўша фақат инсоният тамаддунидан далолат берувчи маскан сифатида эмас, балки бетакрор табиати, бой ҳайвонот дунёси билан ҳам мутахассислар эътиборини ўзига торттиб келмоқда.

«Вардонзе»даги саксовулзор, кичик сув ҳавзалари, кумликлар турли қушлар ва ҳайвонлар учун тинч ҳамда беҳавотир макон вазиқасини ўтаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Бу ерда судралай юрвчиларнинг ўндан зиёд тури мавжуд. Ўрта Осиё тошбақаси, ҳар хил калтакесаклар, япалоқбаш, чўл агамаси, ўқилон, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи яшил мумкин. Зовур ҳамда ховуларда эса балиқнинг сазан, лақа, гамбузия каби турлари бор. Шунингдек, шалпанқулоқ типратикан, чиябўри, тулки, чўл мушуги каби ноёб жониворлар ҳам мазкур макондан кўнин топган.

2006 йилда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, "Вардонзе" табиат ёдгорлиги тури гируҳларга мансуб қушларнинг уя қўйиш, мавсумий кўчиб ўтиш ва қишлоқ манзили ҳисобланади. Бу ерда қушларнинг 147 тури қайд

ҚИЗИЛҚУМ бағрида ноёб гўша

этилган. Мавсумий кўчиб ўтадиган қушлар тури нисбатан кўп — 44,9 фоизи, қишлоққонанга ва уя қўядиган қуш турлари эса мос тарзда 21,2 ва 20,4 фоизи ташкил этади. Уялайдиган қушлар турига мансуб оддий миккий, Зарафшон қирғовули, кўк каптар, оддий ва кичик гуррак, хонаки япалоққуш, олтин тусли кўржинак, баджаҳл дехқончумчўк, зогча кабиларни учратиш мумкин. Оққанот қишлоқтон эса айни дамда бу ерда уяламай қўйди. Буни баланд бўйли даракларнинг камайгани билан изохлаш мумкин. Шунингдек, ноёб қушлар сирасига қирадиган чиройли туवालқ ҳам кам учрамоқда. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг

боиси бор. Мазкур ҳудуд Қизилқум саҳросининг жануби-ғарбий қисмида — Бухоро воҳасининг марказида сақланиб қолган ўзига хос фаунага эга охириги маскандир. Қизилқум табиатини ўзига акс эттирган бу ноёб гўшани асраб-авайлаш авлодлар олдидаги

бурчимиз саналади. Хусусан, саксовулзорлар барпо этиш, уларни пайхон қилмаслик, ҳудудни кўз қорачигидек асраш зарур. "Шофиркон" ўрмон хўжалиги раҳбарлари масаланинг ана шу жиҳатларига эътиборни қучайтиришса, айни муддао бўларди. Негаки, "Вардонзе" шу хўжалик ҳудудидега жойлашган.

Қолаверса, бу ерда экологик тадбирлар ўтказиш, аҳоли, айниқса, ёшлар учун экскурсиялар ташкил этиш фойдадан холи эмас. Бу ёш авлод қалбда она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссининг қучайишига хизмат қилади, албатта. "Вардонзе" туризмни ривожланти-



риш учун қулай маскан саналади. Негаки, дунёда ҳам инсоният цивилизациясидан дарак берувчи, ҳам қушлар ва ҳайвонот дунёси учун макон вазиқасини ўтаб келаётган бу каби табиат ёдгорликлари камдан-кам учрайдди. Бунинг учун инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади, албатта. Вилоятда шу мақсад йўлида маънафаддор ташкилотлар томонидан саъй-ҳаракатлар бошланапти. Бу эса "Вардонзе"нинг эртаси умидли эканидан далолат беради.

Александр КАЗАКОВ,
Бухоро вилояти ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи.

Ўқинг, қизиқ!

Олимларнинг кўп йиллик кузатишлари натижасида Марказий Осиё чўлларида учрайдиган қизилқум ўсимлигининг ажойиб хусусияти аниқланди. Гап шундаки, унинг қизғиш-ғунафша рангли гули ер остида чўчқ сув борлигидан дарак берад экан. Агар ўсимлик гуллари ранглар бўлса, демак, у ўсган ердаги сув шўр бўлади.

Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёсининг соҳилларида ўсадиган рафия пальмасиники ҳисобланади. Унинг худди чодирдек кенг, кўм-кўк барра япроғининг узунлиги 22 метр, эни 12 метр, банди эса 5 метрчага етади. Бу япроқ остида ёмғирдан ёки офтоб тигидан 10 киши бемалол бошпа-на топиши мумкин.

Толали ўсимликлардаги сўб тосларни мустаҳкамлиги жиҳатидан темир билан бемалол тенг-лаша олади. Тортишиш кучи эса металлга нисбатан 15 марта кўдир.



Дунёдаги энг қадимий гул ҳозирги кунда ҳам севиб экиладиган хризантема ҳисобланади. Бу ҳақда қадимий Шарқ файласуфларининг 2,5 минг йил илгари ёзилган асарларида маълумотлар берилган.

Ёмғир ёғиши олдида акациянинг сариқ гулида урунчалар четга сурилиб, ўртада алтирок асал томчиси пайдо бўлади. Унинг худди ариларни ўзига жалб этади. Демак, ариларнинг акация гулига гужгон бўлганини кўрсангиз, билангизи, тез орада ёмғир ёғади.

Ботаникларнинг ҳисобига кўра, Ер юзидега об-ҳавони олдиндан «айтиб берадиган» ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд экан.

Шомурот ШАРАПОВ,
журналист-биолог.

ЖАРАЁН

Табиат мўъжизасини қарангки, оқар дараёлар, сув йўлларида анча олисида, янама ҳайратланарлиси, яйдоқ чўл бағрида ҳам кўллар ҳосил бўлар экан. Бунга Қашқадарё вилояти, Миришкор туманидаги сув ҳавзалари мисол бўла олади. Улардан энг йириги тумanning Помук қишлоғидан қарий ўттиз чакирим узокда жойлашган Сичанқўлдир.



Чўлдаги кўл

турлар кўл атрофида уя қуриб, қишлоқдилар. Шунинг учун мазкур ҳавзада ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини алоҳида муҳофаза этиш, балиқ турларини ўрганиш, уларни кўпайтириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳудуднинг экологик мувозанатини, биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади.

Сичанқўлда, айниқса, балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун қулай экомухит мавжуд. Айни пайтда ҳавзада судак, лақа, зогора каби йигирмадан ортик балиқ турини учратиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига сувофик, сув ҳавзаси "Қашқадарё-балиқчилик" маъсуляти чекланган жамияти ҳамда фермер хўжаликларига

иборат бўлиб, энг чуқур жойи 90 метрни ташкил қилади.

Кўлнинг ўсимлик дунёси ниҳоятда бой. Бу ўтхўр балиқ турларини кўпайтириш учун жуда қулайдир. Шу боис Сичанқўл муҳофаза қилинадиган ҳавзалар рўйхатида киритилган бўлиб, камёб балиқ турлари кўпайтирилмоқда.

— Кўл худуди сувда сузувчи ва учиб ўтувчи ноёб қушлар кўпаядиган беҳатар маконга айланган, — дейди Қашқадарё вилояти

табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Ойбек Рўзиқулов. — Юртимиздан учиб ўтувчи қушларнинг салмоқли қисми шу ерда поплон очишса, чағалай, ўрдақ, оққуш ва бошқа яна кўплаб

ижарага берилгани парҳез маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришда кўл келмоқда.

— Кўл ҳавзасининг 414 гектарини ижарага олганмиз, — дейди "Боборавшан" фермер хўжалиги раҳбари Сафар Ҳайитов. — Саккиз нафар ишчимиз

бевосита балиқ парвартишига масъул. Балиқ чавоқларини ташлаш, парвартиш уларнинг зиммасида. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ошиб бораёпти.

Табиатнинг генетик ранг-баранглигини асраш, нодир балиқ турларини бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш соҳа мутахассислари олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Шу боис балиқчилик хўжаликларидега балиқ ва бошқа сув жонзотларини овлаш қатъий тартибга олинган. Бундан ташқари, улар зиммасига сувнинг табиий айланшини сақлаш, тозаланини таъминлаш, ҳавзанинг экологик мувозанати ва сув ландшафтига зиён етказмаслик шарт қўйилган. Бу эса кутилган самарани бериб, турларнинг кўпайишига шароит яратяди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳам озуқа, ҳам дори-дармон

Булғор қалампирининг турлари кўп бўлиб, ранги ҳам ҳар хил: яшил, қизил, сариқ, кўнғир, бинафшаранг, ҳатто қора туслиси ҳам бор. Ҳўш, уларнинг қай бири фойдалирок?

Аслида, бу сабзавот турлари нафақат ташқи нурини, балки таъми билан ҳам бири-бирдан фарқ қилади. Тадқиқотларга қараганда, булғор қалампирини қанчалик оқ тусда бўлса, шунчалик фойдали моддаларга бой бўлади. Умуман, мазкур сабзавот таркибидега С, Р, А, В1, В2 дармондорилари, калий, натрий минерал тузла-

ри, темир, рух, йод, кальций, мағний каби микро ва макро маъданлар мавжуд. Яқинда италиялик олимлар томонидан булғор қалампиридега хавфли ўсмавлар пайдо бўлиш эҳтимолни камайтирадиган моддалар борлиги аниқланди. Бундай унсурлар, айниқса, яшил булғор қалампирларида кўпроқ бўлар экан.

Булғор қалампирини қувватбах хусусиятга ҳам эга бўлиб, уни дармонсиз болалар, толи-

қишга мойил ўсмирлар, шунингдек, кексалар мунтазам истеъмол қилса, ҳолисизликни бартараф қилиб, қишнинг тетиклаштиради.

Булғор қалампирини қувватбах хусусиятга ҳам эга бўлиб, уни дармонсиз болалар, толи-

қишга мойил ўсмирлар, шунингдек, кексалар мунтазам истеъмол қилса, ҳолисизликни бартараф қилиб, қишнинг тетиклаштиради.

Булғор қалампирини қувватбах хусусиятга ҳам эга бўлиб, уни дармонсиз болалар, толи-

қишга мойил ўсмирлар, шунингдек, кексалар мунтазам истеъмол қилса, ҳолисизликни бартараф қилиб, қишнинг тетиклаштиради.

Ушбу ҳам унутмаслик кераки, булғор қалампирини таркибидега эфир мойлари кўп бўлганлиги боис ошқозон-ичак, жигар, буйрак хасталигига чапиган кишилар уни мутахассис маслаҳати билан истеъмол қилганлари маъқул. Уй бекалари ушбу сабзавот

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳах — С. Исломов.